Huquqiy ma`rifat

*Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг уюшган ҳолда гуруҳ бўлиб содир этган жиноятлари ижтимоий жиҳатдан хавфлилик даражаси юқори ҳисобланади. Ана шундай гуруҳлар таркибига жиноятнинг бажарувчилари, ташкилотчилари, раҳбарлари, ёрдамчилари киради. Қуйида иштирокчиликда содир этилаётган жиноятларнинг бажарувчиси, унга нисбатан белгиланадиган жавобгарлик ҳақида фикр юритилган.*

# ЖИНОЯТНИНГ БАЖАРУВЧИСИ КИМ?

## УНГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНАДИ?

Жиноят Кодексининг 28-моддаси 2-қисмида бажарувчига шундай таъриф берилган: "Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан жиноятни бевосита тўлиқ ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади". Бундай жиноятга нисбатан қўлланиладиган жазо Жиноят Кодексининг 30-моддасида белгиланган бўлиб, умумий хусусиятга эга. Бу эса амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

Бажарувчи деганда бевосита жиноятни содир этган ва Жиноят кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс тушунилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, баъзи ҳолларда жиноятнинг объектив томонини бир қанча жиноятчилар биргаликда бажаради. Шу боис бундай ҳолатда уларнинг барчаси бажарувчи ҳисобланади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда жиноятчи жиноятнинг субъекти бўла олмайдиган шахсдан фойдаланади. Бунга жиноий ишлар бўйича Тошкент вилояти судида кўрилган қуйидаги жиноий ишни мисол сифатида келтириш мумкин.

2002 йил март ойида фуқаро Дилмурод Толипов, вояга етмаган Обид Раҳимов ва ақли норасо Шерзод исмли шахс билан биргаликда "Ўткир" кичик корхонасига кириб, беш юз минг сўмлик тайёр кийим-кечакларни ўғирлайди. Мазкур ўғирликда бажарувчи шахсларнинг бири жиноят ёшига етган, иккинчиси ҳали 14 ёшга тўлмаган, учинчиси ақли норасо шахсдир.

Суд ушбу ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, Дилмурод Толиповга нисбатан жазо тайинлашда унинг вояга етмаган ва ақли норасо шахсни жиноят содир этишга жалб қилганига эътибор қаратди.

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бунда бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этиш жараёнида бажарувчилардан бири гуруҳ томонидан келишилмаган ва бошқаларнинг умумий қасди билан қамраб олинмаган бошқа жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Бу эса жазо тайинлашда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолат жиноят ҳуқуқида эксцесс бажарувчи дейилади. Ҳуқуқшуносликда улар миқдор ва сифат кўрсаткичли бажарувчиларга бўлиб ўрганилади.

Миқдор кўрсаткичли эксцесс бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти асосида жиноят содир этади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра оғирроқ бўлади. Масалан, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш вақтида далолатчи жабрланувчини ип билан боғлаб, оғзига латта тиқишни айтади, бажарувчи уни боғлаш мобайнида дўппослаб ўлдириб қўйиши мумкин.

Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан анча фарқ қилади. Масалан, учта шахс шахсий мулкни ўғирлашга келишади ва бажарувчи ўзаро келишув асосида хонадонга киради. Кутилмаганда хонадонга уй эгаси қайтиб келади, шунда бажарувчи ўқотар қуролдан ўқ отиб уй эгасига оғир тан жароҳати етказади ҳамда ўғирлик моллари билан яширинади. Бунда бажарувчининг ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан бутунлай бошқачадир. Бу вазиятда жиноят бажарувчиси босқинчилик учун, қолган иштирокчилар эса ўғирлик учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса, иштирокчиларнинг ҳаракатини тасниф қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар ушбу жиноятга суиқасд қилгани учун жавобгарликка тортилади. Чунки бу ҳолатда барча иштирокчилар биргаликда келишиб содир қилмоқчи бўлган жиноят амалга ошмай қолади. Аниқроқ айтганда, бажарувчи иштирокчиларнинг жиноий ниятидан ташқари содир этган жинояти учун жавобгар бўлади ва унинг қилмиши эксцесс бажарувчи томонидан содир этилган жиноят деб топилади.

Кўриниб турибдики, иштирокчиликнинг турлари учун жиноий жавобгарлик белгилашда бир қанча муаммолар келиб чиқади. Бошқача айтганда, эксцесс бажарувчилар содир қилган бошқа жиноятлари учун жазога тортилмай қолиши мумкин. Бунда умумий тарзда иштирокчилар қайси модда билан жавобгарликка тортилган бўлса, бажарувчи ҳам шу модда билан жавобгарликка тортилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида ҳам бу масала муаммо саналади. Жиноят кодексида қўшимча эксцесс бажарувчилар учун алоҳида жавобгарликнинг белгиланмагани ана шундай муаммоларнинг биридир.

Шу боис Жиноят кодексининг 30-моддасига қуйидагича ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқдир: "Эксцесс бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг умумий қасди билан қамраб олинмаган жиноятлари учун Жиноят Кодексининг тегишли моддаси бўйича алоҳида жавобгарликка тортилади".

Ушбу таклиф амалиётга жорий этилса, юқорида баён этилган муаммонинг ечимини топиш осонлашади.

**Саломат НИЁЗОВА**

Dolzarb mavzu

# ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ:

## МУАММО ВА ЕЧИМ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Ўйлаймизки, "Ҳуқуқшунослик" ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курслари алоҳида-алоҳида ўтилиши лозим. Шу билан бирга, "Ҳуқуқшунослик" бакалаврнинг I босқичида, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курси II ёки IV босқичда ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, ноюридик олий ўқув юртларида "Ҳуқуқшунослик" курсида ҳуқуқнинг асосий соҳалари ҳақида маълумот берилади. Агар бунга 30 соат ажратадиган бўлсак, 15 соат маъруза, 15 соати семинар машғулотлари учун кетса, мустақил иш учун вақт қолмайди. Ваҳоланки, 15 соат ичида тўртта ёки бешта мавзуни ёритиш мумкин, холос. Бизнингча, ажратилган соат ҳажмини ва намунавий дастурларни қайта кўриб чиқиш лозим. Шу билан бирга, олий ўқув юртлари мутахассисликларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги умумий назариядан ташқари, муайян мутахассисликларнинг ҳуқуқий асослари бўйича ҳам талабаларга тушунча берилиши керак.

Албатта, ҳуқуқий таълим ва тарбия махсус юридик фанларни ўқитишдангина иборат эмас. Аксинча, ҳуқуқий таълим ва тарбия барча жиҳатларини қамраб олиши лозим. Шунга эътибор бериш керакки, ҳуқуқий фанлар қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, у ноюридик олий ўқув юртлари учун ихтисос фани бўла олмайди. Шу сабабли, мазкур ўқув юртларида ҳуқуқий фанларнинг ёрдамчи ва умумкасбий аҳамиятга эгалигини ёддан чиқармаслик керак.

Ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълимни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолардан яна бири ҳуқуқшунос-педагогларнинг етишмаслигидир. Ҳуқуқшунос-педагогик факультетлари энди очилди, улар асосан умумтаълим ва ўрта махсус таълим мактаблари учун мўлжалланган. Олий ўқув юртида дарс бериш учун магистр малакаси лозим. Афсуски, юридик магистр даражасидаги мутахассислар камдан-кам ҳолларда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланишади.

Тўғри, ҳуқуқшунос-педагог мутахассислиги бўйича ҳам магистратура босқичи бор. Аммо унга нисбатан камроқ ўрин ажратилади. Олий ўқув юртлари сони билан солиштирганда бу жуда кам.

Яна бир муаммо шундаки, юридик олий ўқув юртида илмий-педагог ходимлар ҳуқуқнинг маълум бир соҳаси бўйича, яъни ўз ихтисослиги бўйича фаолият юритади. Ноюридик олий ўқув юртларида эса ҳуқуқнинг кўплаб соҳаларини ўз ичига олган ҳуқуқий курслар бўйича дарс берилади. Шунинг учун бу ходимлар ўз малакаларини мунтазам равишда ошириб бориши лозим. Мамлакатимиз таълим тизимида ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш учун ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқий фанларни ўқитишда ажратилган соат ҳажмларини қайта кўриб чиқиб, "Ҳуқуқшунослик" ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курсларининг алоҳида-алоҳида ўтилишини йўлга қўйиш, "Инсон ҳуқуқлари" махсус курсини ҳозирги кунда саноқли олий ўқув юртларида (ўқитилади) қайта тиклаб, уни "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курси билан бирлаштириш, республика миқёсида ягона режа асосида олий ўқув юртлари учун ҳуқуқшунос-педагог мутахассисларни тайёрлаш ва ўқув юртларини ушбу кадрлар билан таъминлаш, ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқшуносликдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўлимларини ташкил этиш зарур.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда кўплаб ноюридик олий ўқув юртларида ҳуқуқшунослар етишмаганлиги сабабли ҳуқуқий фанлардан жамиятшунос мутахассислар дарс бермоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда уларнинг малакасини ошириш учун бир йиллик сиртқи ўқиш факультетларини ташкил этиб, уларга "ҳуқуқшунос-педагог" мутахассислиги бўйича билим беришни ташкил этиш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш демократик жамият қуриш йўлидаги салмоқли қадамлардан биридир.

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**юридик фанлари номзоди**



Куз таровати

Mitti maslahat

**Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ**

## ТАЪТИЛ ПУЛИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

**Айрим ташкилот, корхона, муассасаларда ходимларга таътил пулини бериш тартибига амал қилмаслик ҳоллари учраб туради. Бу эса мавжуд қонун ҳужжатларини бузиш билан баробардир. Чунки Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Дж-08/243-сонли, «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси»нинг 372-сонли, Меҳнат вазирлигининг 834-сонли буйруқлари билан 1999 йилнинг 7 майида келишилган ва тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 14 июндаги 746-сон билан рўйхатга олинган "Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидалари"нинг 4-бўлим, 4.19-бандига биноан ходимга таътилни бериш вақти тўғрисида унинг бошланишидан кўпи билан 15 кун олдин хабар берилиши, 4.20-бандига мувофиқ таътил учун ҳақ таътил бошланадиган кундан олдинги кунда тўланиши лозим.**

**Айрим ташкилот, муассаса, корхонанинг моддий аҳволдан келиб чиқиб, ходимга таътил бериш вақтида моддий ёрдам бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, моддий ёрдам ҳар бир фуқаронинг моддий аҳволи даражасига қараб берилади. Шундай экан, ходимга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилган ташкилот ушбу туркумдаги маблағларни ҳам ходим муҳтож пайтида бериши мақсадга мувофиқдир.**

# ҚАБОҲАТ ЙЎЛИ

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик... Бу иллат таъсирида келиб чиқадиган мудҳиш оқибатлар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Ҳолбуки, бу иллат нафақат инсоннинг ўзи, балки унинг зот-зурриёди, келажак авлоди ҳаётини заҳарлаши, буткул издан чиқариб ташлаши ҳеч кимга сир эмас. Энг ёмони, бу оғуни тарқатадиган ҳам, одамлар ҳаётини заҳарлайдиган ҳам, уни истеъмол қиладиган ҳам инсоннинг ўзидир.

Бундан ҳам даҳшатлиси, бундай нопок ишга, яъни гиёҳванд моддалар олди-сотди савдосига баъзи бир аёлларнинг ҳам аралашиб қолаётганидир.

Зангиоталик Соҳиба исмли аёл ҳам нафс қутқусига учиб, ана шундай нопок йўлга кирди. (Мақолада баъзи сабабларга кўра исмлар ўзгартириб берилган.) У гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, кўпларнинг ҳаётини заҳарлаб ташлади. Энг ёмони, у ўзининг кечмиш ҳаётидан, нотўғри ташлаган қадамидан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариб олмади. Нега деганда, у илгари ҳам ана шундай нопок ишга қўл ургани учун икки марта узоқ муддатга қамоқ жазосига тортилган эди. Бироқ озодликка чиққач, қилмишларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига яна "эски касали" хуруж қила бошлади. Ачинарли томони шундаки, Соҳиба энди нафақат гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланар, балки унинг ўзи ҳам бангига айланиб улгурган эди.

Ана шундай касаллик хуруж қилганда, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, ўзини тўрт томонга уриб қоларди. Шундай талвасага тушган кунларнинг бирида у уйдан чиқиб кетди ва тентирай-тентирай охийри Янгийўл шаҳридан "дардига даво" топди...

Қисқаси, у шу қабилда ўзининг нопок қилмишини давом эттира бошлади.

Инсоф, диёнатни унутиб, туban йўлга кирган кимсадан ҳар қандай разилликни кутиш мумкин. Соҳиба ҳам кунларнинг бирида шундай разил ишга қўл урди...

Гап шундаки, у "товарини" кимга ўтказишга боши қотиб турган бир пайтда акаси Алишернинг ошқозони оғриб қолди. У синглиси Соҳибага ўзини қийнаётган дарддан шикоят қилди. Соҳиба ўзини минг бир қиёфага солиб, акасига ачинган бўлди. Бироқ бошида ғужғон тортиб ўйнаётган қабиҳ ўйларни амалга оширишдан ўзини тиёлмайди. Пайтдан фойдаланган нобакор сингил ўз жигарини алдаб, ошқозон оғриғини қолдирадиган дори, дея қайнатилган сувга оғуни аралаштириб, акасига ичирди... Даставвал Алишер синглиси берган нарса дори эмас, балки бу оғу эканини англаб етмади. Фақат у кейинчалик қандай қилиб, гиёҳвандга бангига айланганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Яна шундай кунларнинг бирида гўзаллик шайдоси бўлган янгаси Асила семизликдан қандай қутулиш лозимлиги ҳақида маслаҳат сўраб қолди.

Афсуски, бундай маслаҳат кейинчалик Асилага жуда қимматга тушди. Чунки қайнсинглиси Соҳиба сира иккиланмасдан уни "оқилона" йўлдан бошлади. У "оздирадиган" дори сифатида янгасининг ҳам томирига "оқ ажал"ни юборди...

Унинг ана шундай разил қилмиш бегонанинг эмас, балки ўзининг жигаргўшалари оиласини бутунлай барбод қилди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Turmush chorrahasi

# УМИДЛИ ДУНЁ

**I. ХУШХАБАР**

Эри дарвозахонада кўриниши билан Солиҳа опа чаяётган кирини ташлаб, унга пешвоз чиқди. "Тоби қочиб қолдимикин, ахир, ишдан бунақа вақтли келмасди-ку?" деган ўйни хавотир билан хаёлидан ўтказди.

— Қизинг уйдами? — деди эри атрофга олазарак қараркан.

— Тинчликми?! — деди довдираб қолаёзган хотини, — уйда бўлмай, қаерда бўларди?!. Тикиш қилаётганди, чақирайми?

— Ундай бўлса, айтгин, бирпас дам олсин, ана телевизор томоша қилсин, — деди энди ўзини хотиржам тутишга уринаётган Султон ака.

— Тушунтириброқ гапиринг, — деди энди ростакамига хавотирга тушган хотини, — нега элдан-элакка телевизор кўриши керак? Яхши концерт бор эканми?

— Сенинг концертдан бошқа дардинг борми, ўзи хотин?! — деди Султон ака овозини бир парда кўтариб, — "Ахборот"ни кўрсин деяпман?

Солиҳа турган жойида бир муддат тик қотиб қолди. Кейин келиб эрининг кўзига тикилдида, пешонасини ушлаб кўрди. Назарида, ҳаммаси жойида эди.

— "Ахборот"ни кўрадимийўқми, сизга нима? Иккинчидан, сиз уйда бўлсангиз, қачон телевизорни олдида ўтирганини кўргансиз?! — деди.

Хотинига бир гап уқтириш қийин эканлигини тушунган Султон ака дангалига кўчиб қўя қолди:

— "Амнистия" чиқди, тушундингми?! Шуни ҳозир телевизорда беради. Қизинг кўрсин деяпман...

— "Амнистия" деганингиз нима? — деди энди хотини ҳам астойдил қизиқиб.

— Э, омон бўл, онаси, — деди Султон ака жиддий тортиб, — Президентимиз қамоқдагиларнинг бир қисмини авф этиш ҳақида Фармон чиқарди. Шунинг номини "Амнистия" дейишади. Лутфи ўртоғингни ўғли ҳам озодликка чиқса керак... Адашмасам исми... исми, ҳа, Шуҳрат эди.

Нимадир ёдига тушгандай бирдан Солиҳа опага жон кирди. У қизи ўтирган уйга гўё юриб эмас, учиб кирди. Лекин орадан бир сония ҳам ўтмай ичкаридан ўқдай отилиб чиқиб, эрининг қошида таққа тўхтади. Бошидаги рўмолни бир учи билан фақат ўзбек аёлларигагина хос бўлган уят-андишага бориб, юзини пана қилди-да, ўта маъсума, эшитилар-эшитилмас деди:

— Вой ўлмасам, ҳали онаболанинг сиридан сизнинг ҳам хабарингиз бор эдими?

— Мен боғдан келсам, бу тоғдан келади-я, — деди Султон ака бу қалтис вазиятдан чиқиб кетиш йўлини изларкан. Кейин дарвозахонага етганда бамайлихотир эснаб, қўшиб қўйди, — нималар тўғрисида гапиряпсан, сира тушунолмадим. Мен ишга боришим керак. Ҳа, айтганча, кечга яхшилаб ош қилинглар.

Кўчага чиққан Султон ака шу тобда болаликдан қадрдони бўлган Холмурод аканинг уйига йўл олмоқчи эди. Лекин ўтган йилги можаро ёдига тушиб шаштидан қайтди...

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Jahon tajribasi

*Ҳаёт давомида ҳар бир инсон бирор мамлакат ҳудудида истиқомат қилиб, жамият фаолиятида иштирок этади. Бу эса ўз навбатида фуқаролик тушунчасини келтириб чиқаради. Илмий адабиётларда фуқароликка аниқ таъриф берилган. Уларга қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, фуқаро ҳар бир жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси саналади. Шунингдек, фуқаро жамиятнинг бошқарув тизимида иштирок этувчи шахс сифатида бир қатор аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Одатда, фуқаролардан амалдаги қатъий қонун-қоидаларига риоя этиш, ҳукуматдан эса фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя этиш талаб этилади.*

*АҚШ фуқаролик тизими асосларига йиллар давомида кўпгина ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бугунги кунда фуқароликнинг миллий ва ҳуқуқий асослари АҚШ Конституциясида ўз ифодасини топган.*

# АҚШ: ФУҚАРОЛИК ТИЗИМИ

АҚШда фуқароликнинг аҳамияти ва хусусиятлари ҳақида сўз юритганда, аввало, 1857 йилда мамлакат Олий судида рўй берган машҳур Дред Скот воқеасини эслаб ўтиш жоиз. Ўшанда АҚШ Олий суди Дред Скотни қора танли бўлгани учун АҚШ фуқароси деб ҳисоблашдан бош тортган. Бу воқеа ўз даврида катта шов-шув қозонган. Энг ёмони, у мамлакатда фуқаролар урушининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Шундан сўнг орадан 3 йил ўтгач, мамлакат Конституциясига 14-ўзгартириш киритилади. Ушбу ўзгартиришга биноан ирқидан қатъи назар, АҚШда туғилган ҳар бир киши мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси ҳисобланадиган бўлди.

Шу боис АҚШда туғилган барча фуқаролар ва ҳукумат юрисдикциясига тегишли субъектлар давлат фуқаролигини олади. Конституцияда "тупроқ қонуни" асослари ўз аксини топган бўлиб, унга мувофиқ Америка ҳудудида туғилган деярли барча фуқаролар ҳам тўғридан-тўғри фуқароликка қабул қилинавермайди. Аниқроқ айтганда, давлат ҳудудида туғилган, лекин ҳукумат юрисдикциясига тегишли бўлмаган шахслар 14-ўзгартиришга мувофиқ фуқароликни қўлга кирита олмайди. Бунга АҚШга элчиликка юборилган шахсларнинг болаларини кўрсатиш мумкин.

АҚШ фуқаролигига қабул қилинишнинг иккинчи усули боланинг ота-онаси АҚШ ҳудудида туғилган бўлиши керак. Бу усул "қон қонуни" деб номланади. Ушбу қонунга биноан агар бирон-бир шахс бошқа мамлакатда туғилса-да, унинг ота-онасининг киндик қони Америка тупроғига томган бўлса, у ўз-ўзидан АҚШ фуқаролигига қабул қилинади. Бундан ташқари, ота ёки онанинг бири АҚШ ҳудудида камида ўн йил яшаган бўлиши ва бу муддатнинг 5 йили 14 ёшдан кейинга тўғри келиши шарт.

Барча иммигрантлар давлат фуқаролигига натурализация жараёни орқали қабул қилинади. Бироқ улар мамлакатнинг энг юқори лавозимлари — Президент ёки вице-президент бўлиб сайланиши ва фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.



Натурализация жараёнининг асосий босқичлари АҚШ Адлия вазирлиги таркибига кирувчи "Иммиграция" ва "Натурализация хизмати" томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, АҚШ фуқаролигига қабул қилинаётган шахслар олдига бир қатор талаблар қўйилади. Биринчидан, фуқаролар АҚШ ҳудудига қонуний равишда кирган бўлиши шарт. Шунингдек, юксак ахлоқ-одобга эга, АҚШ қонунларига қатъий риоя этишни маълум қилиши, инглиз тилида равон ўқиш, ёзиш ва гапириш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар фуқаро 50 ёш атрофида бўлиб, давлат ҳудудида 20 йил яшаган бўлса, инглиз тилини билиши талаб этилмайди. Шунингдек, улар АҚШ тарихи, қонунлари ва ҳукуматнинг тузилиш ҳамда бошқарув шаклларини билиши лозим.

Натурализация жараёнида ҳар бир киши фуқароликка қабул қилишни сўраб ариза ёзади. Бу ариза 18 ёшга кирган мамлакатнинг бирон-бир фуқароси томонидан ўқиб чиқилиши ёки АҚШ ҳудудида кейинги 5 йил мобайнида яшаган киши томонидан кўздан кечирилиши лозим. Агар бирон-бир киши АҚШ фуқаросига уйланган ёки турмушга чиққан бўлса, бундай вазиятда у фуқароликка қабул қилинишидан илгари АҚШ ҳудудида 3 йил яшаши шарт.

Иммиграция ва натурализация хизмати фуқароликка қабул қилиниши мўлжалланаётган шахс устидан дастлабки суриштирув ишларини олиб боради. Бу суриштирув ишларига фуқаронинг ахлоқ-одоби қай даражада эканини билиш мақсадида ўтказиладиган савол-жавоб ҳам киради. Шунингдек, мазкур шахснинг икки нафар энг яқин дўсти ҳам гувоҳ сифатида савол-жавобга жалб этилади.

Бу жараённинг охирги босқичи якуний суриштирув деб юритилади. У мамлакат федерал судлари томонидан амалга оширилади. Бунда судья фуқаролик қасамёдини олиб боради. Фуқароликка қабул қилинаётган шахс АҚШ Конституцияси ва қонунларига итоат этиши, қўллаб-қувватлаши тўғрисида онт ичиши ва шу миллатга ишонч билдириши шарт. Шундан сўнггина судья шахснинг қонуний фуқаро эканини тасдиқлайдиган натурализация сертификатини нашр эттиради.

Фуқароликка қабул қилинган шахс мамлакат Президентидан махсус мактуб олади. Шунингдек, унга АҚШ тарихи ҳақидаги муҳим ҳужжатлар жамланган қўлланма, "Фуқаронинг мажбуриятлари", "Яхши фуқаронинг беш хислати" каби китобчалар ҳам тақдим этилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, АҚШда натурализация жараёнидан ташқари фуқароликка жамоавий тартибда қабул қилиш тартиби ҳам мавжуд. Бу ялпи натурализация деб аталади. Яъни муайян бир ҳудудда яшовчи гуруҳлар АҚШ Конгресси акти орқали мамлакат фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Баъзи ҳолларда натурализация жараёни айрим шахсларга нисбатан юқорида қайд этилган тартибларга риоя этмаган ҳолда амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, 1981 йил июлида Габриел Исахар Исахаров борйўғи уч-тўртта инглизча сўз ва учта АҚШ Президенти номини билса-да, АҚШ фуқаролигига қабул қилинган. Исахаров бу пайтда 99 ёшда бўлиб умрининг асосий қисмини Россияда ўтказади ва доимо АҚШда яшашни орзу қилган эди. Федерал суд судьяси Генри Брамвелл Исахаровни ёшининг улуғлигини ҳисобга олиб, уни барча синовлардан озод этади. Исахаровдан нега АҚШ фуқароси бўлишни хоҳладингиз, деб сўрашганда у "мен эркин туғилганман ва шунингдек, шу буюк юртнинг фуқароси бўлиб эркин ўлишни истайман", деб жавоб берган. Умуман олганда эса АҚШда фақат Федерал Ҳукумат фуқароликка қабул қилиш ва уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Хулоса ўрнида айтсак, АҚШда фуқаролик тизими ўзига хос жиҳатлари ва бой тажрибаси билан бошқа мамлакатларнинг тизимидан ажралиб туради. Бу эса америкаликларнинг эркин фуқаролик жамияти барпо этгани билан изоҳланади.

**Отабек ФАЙЗИЕВ**

Ajab savdolar

# БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИНМИ?

***(Давоми. Боши иккинчи бетда)***

Бундан ташқари, дўқ-пўписалар, бошқа кўнгилсиз оворагарчилик, сарсонгарчиликни айтмайсизми?! Минг афсуски, Хонобод шаҳар ҳокимлиги тадбиркорнинг ҳақини тўлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ўрнига пул йўқ, деган баҳонадан нарига ўтолмади. Ҳақини ололмай сарсон бўлаётган тадбиркорнинг тоқати тоқ бўлиб, охири Адлия вазирлигига мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат асосида Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш чоғида «Саноат қурилиш банки»нинг Андижон минтақавий филиали капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва муҳандислик хизмати бўлими ва бошқа мутахассислар иштирокида шошилинч тиббий ёрдам марказида амал оширилган таъмирлаш ишлари юзасидан назорат ўлчови ўтказилди ва далолатнома тузилди.

Шу йил 29 июн куни тузилган далолатномага кўра, пудратчи "Тоҳир" хусусий кичик корхонаси буюртмачи Хонобод шаҳар марказий шифохонасида бажарилган ишлар учун 13 миллион 43 минг 346 сўм пул маблағи олишга ҳақли, деб топилди.

Афсуски, шартнома бажарилган ишларнинг назорат ўлчови юзасидан далолатнома, ўзаро солиштирма далолатнома, энг муҳими, қайта таъмирдан чиқарилган кўркам замонавий шошилинч тиббий ёрдам марказининг биноси "манаман" деб турган бўлса ҳам, тадбиркорнинг ҳақи унмаяпти.

Айни пайтда вилоят адлия бошқармаси тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб, унинг ҳақини ундириб бериш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритган. Вилоят хўжалик судида ушбу масала ўз ечимини топиб, хусусий тадбиркор Муроджон Жўрабоевнинг ҳақи ундирилади, қонун устуворлиги таъминланиб, адолат тантана қилади, деган умиддамиз.

Биз тадбиркор Муроджон Жўрабоевнинг шикоятини ўрганиш ва мақолани тайёрлаш жараёнида бир нарсага эътибор қилдик. Шартнома 2001 йил 1 апрел куни имзоланган экан. Биласизки, 1 апрел кулги, ҳазил куни. Хонобод шаҳар марказий шифохонаси бош врачи Муқимжон Комилов ҳам кулги ва ҳазил куни "ҳазиллашиб" ёлғондакам имзо чекмаганмикин, деб ўйланиб қолдик... Йўқса, тадбиркорни бунча сарсон-саргардон қилмасдими?!.

**Баҳодиржон МАМАДАЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

